



Юкорида ёзилмиш зулм-хиёнатлар режа бўйича амалга ошгандан кейин бутун Шаркий Туркистонда куролли куч Шин дубанга ўтиши керак эди. 1937 йилдан бошлаб худди шундай бўлди. Махмуд инкилоб такозоси билан Кашкардаги куролли кучга эга бўлса ҳам маъмурият Лу силингнинг кўлида эди. Махмуд кетгандан кейин унинг Кашкарда колган куролли кучлари томонидан бошланган озодлик курашини Сталин вахшийларча бостирди. Мохусанг Ёркент, Хўтанни ташлаб - Хиндистонга, Йўлбарс Кумулни ташлаб Ичкари Хитойга кочдилар. Шундай килиб, ўлкада Шин дубан хўжайин бўлиб колди. Шаркий Туркистонга сиртдан кирадиган чегараларни тўсиш учун Сталин кўрсатмасига асосан Шиншишога бир дивизия моторлашган совет аскарлари қўйилди. Хўтанда Абдураззок Мавлонов хўжайин, Хиндистон чегарасига қарайди. Исхоббек Тошкўргон чегараси орқали Афғонистон йўлини тўсади. Шундай килиб бутун Шаркий Туркистон чегаралари совет томонидан ўраб олинди. Бу кезларда ички Хитойда Японга қарши уруш бормокда эди. Сталин шундин фойдаланиб, бу ерларнинг ички-сиртки сиёсатини ўз таъсирига олиб, энди нима қилиш кераклигини кўрсатиб, бўлажак фожиалар ижросини Шин дубанга топширди.

Фожиалар эса 1937 йили Хўжаниёз бошлиқ минглаган бегунох одамларни қамаш билан бошланди. Буларга турли хил бўхтон билан ёлгонни тўкиб-ёпиштириб, халқни ишонтириш учун бутун виждонсизликлардан фойдаланди, шуларнинг каторида ичкаридан қочган хитой коммунистлари билан Тошкентда ўқиб келган уйғур таклидий коммунистларини ишга солди. Бу соҳада Сталиннинг уммати Мансур афанди ўз халқига

килинган зўрлик, зулм, тухматларни шармандаларча ҳамда виждонсизлик билан, уялмай, тўгри деди. У “Хўжаниёз -Японнинг жосуси, ватан хоини, Олтишахар кўзголонининг Урумчидаги бошлиги” дёб, радио-газеталарда зўр бериб коралар эди. Бу вахшиёна “тут-тут” Урумчи, Гулжа вилоятларида айна кунда содир бўлган бало-казо эди. Бунинг натижасида неча минглаган оилалар хонавайрон бўлиб, бу вахшийликлар Гулжа вилоятида Чу силинг бошчилигида килинди. Шу вақтларда дўтай Чингдила, унинг муовини Турди охунбой бошлик инкилобга хизмат килган дунган Тайс охун, козок-киргизлардан Кунес, Текес, Мукиржиргалангда яшовчи Дорубой оқолокчи, Максуд оқолокчи, Жойирбек, Эркинбек, Акбартожилар каби бир неча минг одамларни камаб, уларнинг жамиятда тутган мавкеларини йўқ қилиб ташлаб, ўрниларига ичкаридан кочган хитой коммунистларини ва ҳам таклидчи ясама уйгур коммунистларини қўйди. Бу конхўр золимлар бечора махбусларни кўз кўрмаган, кулок эшитмаган кийноқлар билан қийнаб, билмаган ва қилмаган ишларига қўл қўйгизар эди. Бу тилсимот вахшиёна зулмларни ўйлаб топган устоз - бошлик дубанни мактаб, эшакни от қилишда Мансур афанди билан Бурхон афанди бир-биридан қолишмас эди. Бу “ҳақиқатчи” коммунизм жарчиларининг башараси мана шундан иборат бўлиб, мақсадлари эса ўз халқининг қони билан ўлтурган столини сақлаб қолиш эди. Уларнинг ёлгон тухматларига асосланган гуанжу (хавфсизлик хизмати, маҳаллий ГПУ - ред.) соқчи жаллодлари ҳеч бир ўтмиш тарихларда қўрилмаган исқанжалари шу бечора бегуноҳ махбуслар устида ўтқазиб, азоблаб ўлдирдилар. Қийнаш усуллари тирноқ билан эт орасига қамиш тикиш, бошни сиқиб қўзни қикариш, тош-ғишт парчаларига бош тубан қилиб қўйиш, ёнверига сим тикиш, қўл-оёқларини синдириш - мана шунга ўхшаш неча хил вахшийликларни қилиб ўлдирганлар. Бу зулмдан Урумчи турмаларида тасодифан ўлмай қолган қишилар билан суҳбатлашганман. Булар Қашқардан Абдурайим афанди, Олтойдан козок Шамси (Шамши), Гулжадан Минавархўжа, Қосимжон Қамбарийлар эди. Мени ҳам ёш болалигимга қарамай Гулжа турмасига қамлаб, ҳар қуни “Қаданг қаерда ва қимниқиди, айтасан” деб бостириб, палаҳ (япалоқ қалтак - ред.) билан уриб орқа йўталаримни ёриб юборганди. Буни ўз навбати билан ёзамиз.

Ўшандай даҳшатли қунларда бутун қатта-қичик халқ ўз бошларини омон сақлаб қолиш учун бор инсоний ҳуқуқлардан айрилган қолда боши қанғиб, қолимлар нима деса қўрққанидан қост дер эди. Оммавий қамаш қараёнида мусодара қилиб зўрлик билан тортиб олган ҳисобсиз мол-мулк, олтин, қумушлардан ташқари иққинчи дафъа қиртда қолиб қон қайғусида қурган одамларни “Қаҳонқирга қарши турақиз!” деган шиор билан қўрқитиб, қолган-қутган мол-дунёларини ҳам йиғиб олди. Шундан кейин Шин дубан ички-қиртки дунёдан ажраган Шарқий Турқистон халқини зўрлик даҳшати билан туюқ қўчага, яъни материализмга қирғиза бошлади. Энди зиёли деган одамлар, ўқитувчи афандилар ва ҳам ўрта мактаб болаларидан сал бўлса ҳам мақжуд сиёсатдан ташқари сўзлайди деб гумон қилса, буларни ҳам қонин деб қамай бошлади. Эски ҳуқумат ағдарилиб, янги Шин дубан ҳуқумати қурилган қон 1934 йили апрель ойининг 12-қуни деб эълон қилинган. Шу муносабат билан ҳар йили 12-апрель байрам қилинадур. Байрамдан байрамқача бошқа қамалмаганлардан ҳар йили байрам муносабати билан мажлисга қақириб, шу ердан қикармай қамолқа олар эди. Ўз вақтида Бурхон афанди воқитаси орқали дубан билан қелишган олтойлик Шарифхонтўра вақтинчалик Олтойда волий бўлиб турган эди. Шарифхонтўрага ўз вақтининг тақозоси билан ўзи берган ҳарбий, маъмурий мансабларни олиб, ўрнига хитой қўйишни режалаштириб қўйган бўлса ҳам, ҳозирча ундан фойдаланиб турди. Қунқи унинг орқа қегарасида ўзининг иттифолдош

хўжайини - совет ҳукумати кўз-кулок бўлиб турибдур. Шунинг учун ерликдан бир одам хозирча туришидан ҳар икки томон ҳам манфаатдор бўлган.

Шундай қилиб, бутун Шарқий Туркистонни ўраб олган ҳолда гарб томондан эшиклар очиб, калитларини ўз қўлига олди. Бутун ўлканинг моддий бойликларини тезлик билан таший бошлади. Олтой вилоятининг турли жойларидан чиқадургон олтин-қумушдан тортиб, Кўктўқай, Чингилдан уран, вольфрам ва бошқа ер ости маъданларини неча юзлаган машиналар билан кечаю кундуз ташиб турди. Хўтан вилоятида ҳам олтин кон идоралари қурилганди. Бутун ўлканинг қаеридан нима чиқишини қидириб топган ва ер ости бойликларини аниқлаб олган хариталарга эга эди. Шунинг учун ер ости маъданларини излаб юрмай, ҳамон ташиш бошланиб кетган эди. Бу соҳадан ташқари, чорвалардан ҳар йили неча юз минглаган от, хўкиз, қўйларни тирик ҳолда ўзи қўйган баҳо билан олиб турди. Шундай бўлса ҳам айтиш керакки, бугдой чорва

Алихонтўра Соғунийнинг

"Туркистон қайғуси" китобидан